

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Депутатлар 2016 йилги фаолият яқунларини чиқаришди

Куйи палатанинг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги фаолияти яқунларини ва бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Палатанинг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий баҳоланди, депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати каби муҳим йўналишлардаги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш келгусида Қонунчилик палатасининг жорий фаолиятида устувор йўналиш

бўлишини таъкидладилар. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик депутатлар корпуси фаолиятининг асосий принциплари бўлади. Шунингдек, ишларнинг ҳолатини шахсан ўрганиш ва аҳолининг зарурий эҳтиёжларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида депутатларнинг жойлардаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат органларининг иш юритишда бўлган айрим

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқиш йўлини судлар ваколатига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг ролини оширишга, маъмурий ишларнинг ушбу тоифаларини кўриб чиқиш чоғида беғаразлик ва ҳолисликни таъминлашга хизмат қилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига биринчи ўқишда тақдим этилди. Қайд этилганидек, ҳозирги вақтда банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб

чиқиш натижалари юзасидан ҳўжалик судининг апелляция инстанцияси чиқарган қарорлар кассация ва назорат тартибиде қайта кўриб чиқилмайди. Бу эса, ўз навбатида, кредиторлар ва қарздорларнинг юқори турувчи инстанцияларга судларнинг қарори устидан шикоят қилиш борасидаги ҳуқуқларини чеклайди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мазкур чекловни бартараф этиш имконини беради ҳамда кредитор ва қарздорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўпроқ эркинлик беради. Муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида.

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [norma.uz](http://norma.uz), [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Юридик хизматларнинг фаолият йўналишлари белгиланди

Президентнинг 19.01.2017 йилдаги «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2733-сон қарори чоп этилди («Халқ сўзи» газетасининг 20.01.2017 йилдаги 15 (6709)-сон).

Ҳужжатда давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ишидаги қуйидаги мавжуд камчиликлар таъкидлаб ўтилди:

○ юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишининг олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти қуттилган самарани бермаётганлиги;

○ юридик хизматларнинг штат бирикларини белгилаш меъёри ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон бермаётганлиги;

○ юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб

чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаган. Мазкур соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган камчилик ва қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланаётганлиги;

○ юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси етарли эмаслиги мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юқори малакали кадрларни жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда, бу эса юридик хизматлар ишининг сифатига ўз таъсирини ўтказаётганлиги.

**Юридик хизматлар фаолиятининг 5 та асосий йўналиши этиб қуйидагилар белгиланди:**

1) давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

2) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

3) давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

4) давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

5) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкый ва бошқа манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

**Давлат томонидан қандай ёрдам кўрсатилади**

Давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Вазирлар Маҳкамаси

2-бетда

Ушбу  
сонда:

### 3-6-БЕТЛАР

Стажга йилларни қўшиш доим ҳам пенсия ошишига олиб келади?

### 7-БЕТ

Бўш ер бор. Унда бог яратмоқчи эдим...

### 8-БЕТ

Қандай юк транспортда «Қамчик» довони орқали ўтиш мумкин?

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



томонидан белгиланадиган минимал меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилади. Бунда мавжуд штат бирликлари қисқартирилмайди.

Юридик хизматлар ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражаларини бериш, шунингдек уларга кўп йиллик хизмат учун устамаларни тўлаш тартиби таъбиқ этилади. Бунда харажатлар давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажидан бошқа давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда, унинг мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажидан ҳисобга олинади.

Юрисконсулт сифатида 3 йил ишлаган ходимлар адвокат мақомига эга бўлиш учун малака имтиҳонини тегишли стажировка ўтамасдан топширишлари мумкин бўлади. Ўз навбатида, давлат ор-

ганлари ва ташкилотлари юридик хизмат фаолиятига шартномавий-ҳуқуқий асосда адвокатларни жалб этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шунингдек белгиланишича, юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибидан давлат органи ва ташкилотидан фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5%, бироқ ЭКИХнинг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланади.

#### Касбга оид қандай талаблар қўйилади

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари ҳар 3 йилда камида 1 марта малакаси оширишлари шарт. Худди шундай даврийликда улар тегишинча Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида аттестациялашдан ўтишлари лозим. Илгари малака ошириш ва аттестациялаш 5 йилда 1 марта ўтказилар эди.

Юридик хизматлар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда адлия органлари билан келишилади. Илгари



улар билан ҳокимликларнинг юрисконсулт лавозимига номзодлар келишар эдилар.

Бунда адлия органлари юридик хизмат фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда юридик хизматлари ходимларига нисбатан интизомий иш юритишни кўзга-тиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Қарордан бошқа муҳим янгиликлар ҳам ўрин олган.

## Кадрлар бўлими

## Қўшимча кафолат бор

Тошкент шаҳрида вақтинчалик прописка билан яшайман ва ишлайман. Ҳозирги вақтда бола парвариши бўйича таътилданман. Яқинда фарзандим 2 ёшга тўлади. Ишга қайтмоқчи бўлганимда мени ишга олмасликларини маълум қилишди. Бу эътироз қонунийми?

Газетхон.

— Меҳнат шартномасини давом эттириш масаласи иш берувчи билан ўртангизда тузилган меҳнат шартномасининг шартларига боғлиқдир.

Қоидага кўра, Тошкент шаҳрида вақтинчалик пропискада бўлган фуқаролар билан меҳнат шартномаси мuddатли тусга эга бўлиб, прописка мuddатидан ортиқ бўлмаган даврга тузилади.

Ҳозирги вақтда амал қилаётган Меҳнат кодексининг 105-моддасида мuddатли меҳнат шартномаси унинг мuddати тугаши билан бекор қилиниши белгиланган.

Шу билан биргаликда, Меҳнат кодексининг 237-моддасида ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларга қўшимча кафолатлар назарда тутилган.

Абдусалом Рискунлаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

## Коллежлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилмайди

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 19.01.2017 йилда 2634-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди.

Жорий йилнинг 1 январидан касб-хунар коллежларининг харажатларини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳри бюджетидан Ўзбекистон республика бюджетига топширилди (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарор).

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон

Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари касб-хунар коллежларининг харажатлар сметаси, штат жадваллари ва вақтинчалик харажатлар сметасини, улар учун республика бюджетидан шахсий газна ҳисобварақларини очиб, рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича касб-хунар коллежларининг жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма штат жадваллари белгиланган мuddатларда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

Бюджет ташкилотининг ва бюджет маблағлари олувчининг сўровига кўра харажатлар сметасига ўзгартиришлар

тасдиқланган шаклда йилда кўпи билан 4 марта киритилади.

Бундан ташқари, энди бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришлар сони ҳисобга олинаётганда бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш учун бюджет ташкилотининг тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни бир моддадан бошқа моддага кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар ҳисобга олинмайди.

Буйруқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 23.01.2017 йилдаги 3-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma Online» экспертлари.

## ХОРИЖИЙ ВА ЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 31 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиледи.\*

|                                  |                                    |
|----------------------------------|------------------------------------|
| 1 Австралия доллари .....2476,59 | 1 Малайзия ринггити .....740,46    |
| 1 Англия фунт .....4126,23       | 1 Польша злотийси .....811,94      |
| 1 Дания кронаси .....473,40      | 1 СДР .....4446,35                 |
| 1 БАА дирҳами .....893,10        | 1 Туркия лираси .....849,32        |
| 1 АҚШ доллари .....3280,25       | 1 Швейцария франки .....3291,11    |
| 1 Миср фунти .....173,10         | 1 ЕВРО .....3522,98                |
| 1 Исландия кронаси .....28,32    | 10 Жанубий Корея вонини .....27,95 |
| 1 Канада доллари .....2498,48    | 1 Япония иенаси .....286,51        |
| 1 Хитой юани .....477,00         | 1 Россия рубли .....54,38          |
|                                  | 1 Украина гривнаси .....120,63     |

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзи қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат     | Сана       | АҚШ доллари |            | Евро    |            | Россия рубли |        |
|--------------|------------|-------------|------------|---------|------------|--------------|--------|
|              |            | бирлиги     | курси      | бирлиги | курси      | бирлиги      | курси  |
| Озарбайжон   | 30.01.2017 | 1           | 1,9165     | 1       | 2,0563     | 1            | 0,0320 |
| Арманистон   | 27.01.2017 | 1           | 486,38     | 1       | 520,18     | 1            | 8,10   |
| Беларусь     | 30.01.2017 | 1           | 1,9394     | 1       | 2,0699     | 100          | 3,2152 |
| Грузия       | 30.01.2017 | 1           | 2,7021     | 1       | 2,8869     | 100          | 4,5003 |
| Қозоғистон   | 30.01.2017 | 1           | 328,73     | 1       | 351,51     | 1            | 5,47   |
| Қирғизистон  | 30.01.2017 | 1           | 69,2260    | 1       | 73,9472    | 1            | 1,1477 |
| Молдова      | 30.01.2017 | 1           | 20,0650    | 1       | 21,4576    | 1            | 0,3352 |
| Россия       | 28.01.2017 | 1           | 60,3196    | 1       | 64,3429    | —            | —      |
| Тожикистон   | 30.01.2017 | 1           | 7,9004     | 1       | 8,4495     | 1            | 0,1297 |
| Туркменистон | 30.01.2017 | 1           | 3,5000     | 1       | 3,7429     | 100          | 5,8552 |
| Украина      | 30.01.2017 | 100         | 2 719,2242 | 100     | 2 904,4034 | 10           | 4,5080 |

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР  
— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
— Валюталар курси

1-2-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ  
— Қўшимча кафолат бор  
• ПЕНСИЯ ИШИ  
— Яқинларимизга ғамхўрлик қилайлик

2-бет

— «Нуроний» жамғармаси: янги вазифалар ва имкониятлар  
— Пенсия олиш учун олдиндан мурожаат қилинг  
— Қайта ҳисоблаш натижаси  
— Қиқариб ташлаш учун асос йўқ  
— Вақт кўрсатади  
— Айиримиз — қўшамиз

— Чет элдаги стаж 3-6-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

— Ҳимоя қилиш ҳуқуқи  
— Лицензиясиз лизинг  
— Ўзимдан бог қолдирмоқчиман...

7-бет

• АВТОНОРМА

— Бозорлар олдидаги автотўхташ жой-

лари учун қатъий белгиланган солиқ икки баравар камайтирилди

— Транспорт воситасини олиб қочганлик учун — камида 5 йил  
— Диққат, светофор!  
— Қайси юк машиналари довол орқали ҳаракатлана олмайди

8-бет

# ПЕНСИЯ ИШИ



*Махсус мавзувий сон\**

○ Кириб келган йилнинг илк сониди янги қонун ҳужжатларига шарҳлар берилган. Улар кексаларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий муҳофазасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

○ Пенсия жамғармаси мутахассисларининг тушунтиришлари газетхонларимизга юзага келган вазиятларни ҳал этишларида ёрдам беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни **norma.uz** сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг **gazeta@norma.uz** ва **ntv@norma.uz** электрон манзилларига йўланг.

## Қонунчиликдаги янгилик

### Яқинларимизга ғамхўрлик қилайлик

«Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонун (26.12.2016 йилдаги ЎРҚ-415-сон, 28.06.2017 йилдан қучага қиради) қабул қилинди.

#### Ижтимоий хизматлар нимани англатади?

Қонунга мувофиқ ижтимоий хизматлар уларга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир. Қуйидагилар бундай шахслар сирасига қиради:

- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар.

Ижтимоий хизматлар шахснинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

#### Хизматлар турлари ва уларни кўрсатиш шакллари

Ҳужжат билан ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ва турлари мустақамланган.

Ижтимоий кузатув ва маслаҳат бериш хизматлари нафақат ижтимоий

## БУГУНГИ СОНДА:

**ПЕНСИЯ ОЛИШ  
УЧУН ОЛДИНДАН  
МУРОЖААТ ҚИЛИНГ**

**Бўлгуси  
пенсионерлар учун**

**4**

**ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ  
НАТИЖАСИ**

**Янги юзага келган  
ҳолатлар ҳар доим  
ҳам пенсия ошишига  
олиб келади**

**5**

**ЧИҚАРИБ ТАШЛАШ  
УЧУН АСОС ЙУҚ**

**Ходим иш берувчи  
учун жавобгар эмас**

**6**

**ЧЕТ ЭЛДАГИ СТАЖ**

**Давлат қонун  
ҳужжатлари бўйича**

**8**

\*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

**Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.**



хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, тегишли органлар ва ташкилотларга юборишни ўз ичига олади, балки барча турда кўмак кўрсатишдан ҳам иборат. Масалан, ишга жойлашишда кўмаклашиш; ҳомийлик ва васийликни белгилашда, фарзандликка олишда, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилада тарбиялашга (патронат), болалар интернати муассасаларига қабул қилишда кўмаклашиш; уй-жой-маиший жиҳатдан жойлашишда ва моддий ёрдам олишда кўмаклашиш. Шунингдек болалар интернати муассасалари тарбияланувчиларни оилага қабул қилишга ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни тайёрлаш хизматлари ҳам кўрсатилади.

**Уйда парваришlash бўйича ижтимоий хизматларга** маиший хизмат кўрсатиш, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини, гигиена товарлари ва тиббиёт учун мўлжалланган буюмларни харид қилиш ҳамда уйга етказиб бериш қиради. Шунингдек овқат тайёрлашда, хоналарни йиғиштириш-тозалашда, шахсий гигиена тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш ҳам қиради. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилишида кўмаклашиш, тиббий кўрсатмаларга кўра протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ҳам шулар жумласидандир.

**Қундузи ва (ёки) қисқа муддат бўлиш муассасаларидаги ижтимоий хизматларга** қуйидагилар қиради: ижтимоий хизматлар олувчиларга ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил равишда ҳаракатланиш ва мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш кўникмаларини, ўқиш ёки меҳнат фаолияти учун зарур бўлган кўникмаларни ўргатиш, шу жумладан реабилитация техник воситаларидан фойдаланишни ўргатиш. Оила аъзоларига ёки бошқа қонуний вакилларига соғлигининг ҳолатида бузилишлар мавжуд бўлган, ногирон шахсларни парваришlash, улар билан муомалада бўлиш кўникмаларини ва уй шароитида уларни реабилитация қилиш асосларини ўргатиш ҳам шулар сирасидандир.

### Маълумот учун!

16 ёшдан катта бўлган балалиқдан ногиронга **НАФАҚА** у даромаднинг бошқа турларини (иш ҳақи, стипендия, алиментлар ва б.) олишдан қатъи назар **ТЎЛАНАДИ**.

*Маевуий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.*

Оилага тарбияга қабул қилинадиган етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни олган ота-оналарга ҳам болаларни парваришlash ва тарбиялаш кўникмалари ўргатилади.

Яна бир шакли – **интернат муассасаларидаги ижтимоий хизматлар**. Бундай хизматларга мунтазам равишда парваришlashни таъминлаш, яшаш учун қўлай шароитларда маиший хизмат кўрсатиш; биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, диспансер кўригидан ўтказиш, стационарда даволаш, дори воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш қиради. Махсус психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш, шунингдек бўш вақтни, клуб ва тўғарақлар ишини ташкил этиш ва бошқалар учун имконият ҳам эътибордан четда қолмаган.

### Хизматлар кўрсатиш тартиби

Қонунда муҳтож шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиб-қоидалари тартибга солинган.

Дастлабки босқичда ижтимоий хизматларга муҳтож шахслар аниқланади. Бу уйма-уй юриш чоғида, жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ахборот асосида ёки муҳтож шахс мустақил равишда муурожаат этганда амалга ошади.

Кейин аса ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тегишли органлар ва ташкилотлар томонидан уларнинг турмуши ҳолатини баҳолаш ўтказилади. Унинг натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинади. Агар қарор билан шахсни ижтимоий хизматларга муҳтож деб топишдан бўлса, у олувчилар рўйхатига киритилади ва унга маслаҳатлар берилади.

Зарур бўлган ҳолларда, ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастури ишлаб чиқиладиган ва унда хизматлар шакллари, турлари, уларнинг ҳажми, даврийлиги, бундай хизматлар кўрсатиш шартлари ва муддатлари, шунингдек массул шахслар белгилаб олинади.

Хизматларни олувчининг турмуш ҳолатида ўзгариш рўй берганда яқка тартибдаги дастур қайта кўриб чиқиладиган.

Ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастури қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

- олувчининг турмуши ҳолатини ёнгиб ўтганлиги;
- бундай хизматларни олишни рад этганлиги;
- бошқа яшаш жойига кўчиб ўтганлиги;
- олувчининг вафот этганлиги;
- нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганлиги;
- олувчининг қамоққа олинганлиги;
- оилавий ҳолати ўзгарганлиги оқибатида унинг турмуши ҳолати яхшилانганлиги;
- ижтимоий хизматларни олувчининг яшаш жойида узоқ муддат бўлмаганлиги.

# «Нуроний» жамғармаси: янги вазифалар ва имкониятлар

Президентнинг 28.12.2016 йилдаги ПФ-4906-сон Фармони билан Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси номи Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги «Нуроний» жамғармаси этиб ўзгартирилди.

## Зарурий ўзгаришлар

Жамғарма зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юкланди:

○ фахрийларнинг Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оқсоқоллар, кекса ёшдагилар ва ногиронларни ёшларни Батанга муҳаббат, кекса авлод кишиларини ҳурмат қилиш, эзгулик ва раҳмдиллик сингари халқимизнинг қўл асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш;

○ кексаларнинг ҳаёти даражасини ошириш соҳасида давлат сиёсатининг гоят муҳим устувор йўналишларини амалга оширишда давлатга қўмаклашиш, пенсияга чиққандан кейин уларнинг юқори ижтимоий фаоллигини, шу жумладан уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини ва давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш;

○ кексалар учун назарда тутилган пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қонун ҳужжатлари қоидалари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ушбу масалада давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига қўмаклашиш, эҳтиёжманд кексаларни ва аҳолининг бошқа қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам билан таъминлаш, ушбу мақсадларда ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик, хайрия тadbирларини ва бошқа тadbирларни амалга ошириш;

○ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда оилаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, ёлғиз кишилар ва эҳтиёжманд кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжлари қондирилишида ҳар томонлама ёрдам бериш;

○ кексалар учун уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил ижтимоий-маданий тadbирлар, телемарафонлар, махсус спорт мусобақалари, кекса ёзувчилар, артистлар, хонандапар, рассомларни ва ижодий зиялиларнинг бошқа вакилларини таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ташкил этиш.

## Давлат бюджети ҳисобидан тўловлар

2017 йил 1 январдан бошлаб «Нуроний» жамғармаси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлиmlарининг штатдаги ходимларини Давлат бюджети ҳисобидан таъминлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби жорий қилинади.



Бунда Жамғарманинг барча ходимлари — пенсионерларга пенсиялар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 фоиз миқдорда тўланади.

## Ҳар бир туманда фахрийлар учун мажмуалар

2017 йил 1 сентябргача ҳар бир туман ва шаҳарда, қоидага кўра, маданият ва дам олиш истироҳат боғлари ҳудудида «Нуронийлар маскани» мажмуалари очилади. Мажмуаларда бой китоб фондига эга бўлган китобхоналар заллари, шахмат, шашка ўйнаш учун дам олиш хоналари, кексалар учун махсус тренажёрлар билан жиҳозланган даволаш жисмоний тарбия заллари, шунингдек ошхона ва тиббий хона ташкил этилади, улар зарур мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланади.

## Касаба уюшмаси томонидан ёрдам кўрсатилади

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга йўналтирилган маблағларнинг 30%гачаси ҳар йили пенсионерларни, биринчи навбатда 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг тизимидаги санаторийларда соғломлаштиришга (шу жумладан дори воситалари олиш учун) йўналтирилади. Шунингдек меҳнаткашлар уларга ажратилган йўлланмаларини ўзларининг ота-оналарини соғломлаштиришга юбориш учун беришлари мумкин.

## Кўкрак нишони таъсис этилди

Фармон билан иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

бошқа соҳалардаги узок йиллик ҳалол меҳнатлари учун меҳнаткашларга, шунингдек ишламайдиган, жамиятда мустақкам оилани сақлаб қолган, фарзандларини катталарга ва кичик авлодга ҳурмат, жамият олдидаги масъулият, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб ҳурмат қозонган оналарга тақдим этиладиган «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони (I, II, III даражали) таъсис этилди.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш ва уни топириш давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тақлифи билан амалга оширилади.

### Маҳаллада фахрийлар иши бўйича раис ўринбосари иш юритади

Жамоатчилик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида (овуллар, қишлоқлар, маҳаллалар) фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинади.

## Пенсия олиш учун олдиндан мурожаат қилинг

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда пенсия тайинлаш муддатлари қисқартирилди.

Кирилган тузатишларга мувофиқ пенсия тайинлашнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

**ёшга доир пенсия** — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб **60 кун ичида** уни сўраб мурожаат этилган бўлса (*илгари — 3 ой эди*), пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан;

**ногиронлик пенсияси** — агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб **60 кун ичида** пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса (*илгари — 3 ой эди*), ТМЭК ногиронлики белгиланган кундан эътиборан.



Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

Ушбу ҳужжатларнинг тўлиқ матни, шарҳлар ва улар билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларига ҳаволалар билан «Norma» АҚТда ва [norma.uz](http://norma.uz), [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтларида танишиш мумкин.

### Маълумот учун!

ЯНГИ рўйхатдан ўтказилган яққа тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектининг оила аъзолари давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг **КЕЙИНГИ** ойдан бошлаб Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари **Тўлайдилар**.

### Молиялаштириш белгиланди

«Маҳалла» жамғармасига «Наврўз» ва «Мустақиллик» умумхалқ байрамларига бағишлаб ўтказиладиган ҳашарлардан тушадиган маблағларнинг 10%и ҳар йили Жамғармага ўтказилади.



Қолган барча ҳолатларда мурожаат этилган кундан бошлаб пенсия тайинланади.

Бундан ташқари, пенсионер вафот этганлиги муносабати билан олимай қолган пенсия пули, шунингдек дафн этиш нафақаси пенсионер вафот этганидан кейин **60 кун ичида** (*илгари 6 ой эди*) мурожаат этилган тақдирда тўланади.

Ўзгартиришлар 27.12.2016 йилдаги ЎРҚ-417-сон Қонун («СБХ» газетасининг 6.01.2017 йилдаги 1 (1169)-сонда чоп этилган) билан киритилди ва 2017 йил 1 январдан қучга кирди.

Мавзуйи сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

## Вазият

## Қайта ҳисоблаш натижаси

Қўшимча ҳужжатларнинг тақдим этилиши пенсия миқдори таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Улар иш стаж ва иш ҳақи, армиядаги хизмат ҳақидаги архив маълумотномалари ва бошқалар бўлиши мумкин. Бироқ янги маълум бўлган ҳолатларнинг тасдиқланиши ҳар доим пенсия тўловлари ошишига олиб келади.

9 йилдан буён пенсияда бўлган ўқувчимиз Евгений С. Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлимидан армияда хизматни ўтаганлиги ҳақида маълумотнома олганда пенсиясига устама белгиланиши тайин деб ўйлаган эди. Зеро, унинг ёзишича, қонун ҳужжатларига мувофиқ хизмат йиллари

унга 15 йиллик стаж кўшар эди. Афсуски, бундай бўлмади. Пенсияни қайта ҳисоблаш учун Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилганида стажга уч ҳисса баробарида имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланишини (Қонуннинг 38-моддаси «а» банди) тасдиқлаган бўлсалар ҳам, қайта ҳисоб-китоб но-

хуш натижа кўрсатди. Унинг пенсияси камайди. Бунга эса қандайдир коэффицент сабабчи бўлди.

Масалага ойдинлик киритиш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлимига мурожаат қилдик. Тез орада ундан жавоб олдик.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, 19.10.2010 йилдаги аризага биноан 1987–1992 йиллар давридаги 270 608,91 сўм ўртача иш ҳақидан 26 йилу 7 ойлик умумий иш стаж буйича 151 540,99 сўм миқдориди II гуруҳ ноэиронлиги бўйича пенсиядан ёшга доир пенсияга ўтказиш амалга оширилди.

2016 йил январда Мирзо Улуғбек тумани мудофаа бўлими томонидан берилган 4.12.1968 йилдан 17.10.1973 йилгача армияда хизматни ўтаганлиги ҳақидаги маълумотномага кўра пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида ушбу маълумотнома илова қилинган ариза топширилган.

Пенсия ва нафақаларни тайинлаш бўлими томонидан пенсионерга қўйидагилар маълум қилинган:

Қонуннинг 38-моддаси «а» бандига асосан, ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидagi иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этганлиги учун стажга уч ҳисса баробарида қўшиб ҳисобланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига (Низомнинг 156-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) мувофиқ, пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда иш ҳақининг яқин тартибдаги коэффицентини қўлланган ҳолда амалга оширилади.

Юқорида баён этилганлар асосида пенсия суммаси сезиларли даражада камайди. Шу муносабат билан қайта ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Айни пайтда Президентнинг 22.08.2016 йилдаги ПФ-4822-сон Фармонида мувофиқ, 1.10.2016 йилдан бошлаб пенсия миқдори умумий иш стаж 26 йилу 7 ой бўлганда 476 883,68 сўмини ташкил этади.

Бўлим бошлиғи А.Х.Ражабов.

ЎЗР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Ҳўжаевдан вазиятни шарҳлаб беришини сўрадик.

—Маълумки, пенсия миқдори муайян даврдаги иш стаж ва маошдан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади (Қонуннинг 25, 26, 27 ва 31-моддалари).

Пенсия миқдорида таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири иш ҳақи ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун биринчи навбатда иш ҳақи миқдорлари уларни пенсия тайинланган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш мақсадида қайта ҳисобланади.

Олий Кенгашнинг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Қонун амалга жорий этилгунга қадар амалда бўлган пенсиялар тайинлашда ва уларни қайта ҳисоблашда иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун тузатиш коэффицентларини қўллаш тартиби сақлаб қоллиниши назарда тутилган

эди. Улар давлат пенсиялари тайинлашиши ва тўланиши учун масъул бўлган тузилмаларнинг юқори турувчи органи ҳисобланган вазирлик қарори билан тасдиқланган.

2010 йилгача тузатиш коэффициентлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг қарори билан тасдиқланган. 2010 йилдан бошлаб улар молия вазирининг қарори билан тасдиқланган.

Тузатиш коэффициентларининг охириги миқдорлари 2011 йилда тасдиқланган (АВ томонидан 22.07.2011 йилда 2246-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом, 11.12.2011 йилда ўз кучини йўқотган) ва ўша йилнинг 1 октябригача қўлланган. Шундан сўнг **якка тартибдаги коэффициентлар**

жорий этилганлиги (Низом, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 2-илова) сабабли улардан фойдаланишга барҳам берилди.

Пенсионер томонидан пенсия миқдориغا таъсир кўрсатадиган (иш стажы ёки иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа) қўшимча ҳужжатлар тақдим этилганда пенсия миқдори иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда мурожаат қилинган санада қайта ҳисоблаб-чиқилади (Низомнинг 12-банди).

Иш ҳақининг тузатиш ва якка тартибдаги коэффициентларини қўллаш механизмлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳисобга олинса, тегишинча, пенсиялар миқдорлари қайта ҳисоблаганда ошиши, ўзгаришсиз қолдирилиши, айрим ҳол-

ларда эса ҳатто камайиши мумкин. **Якка тартибдаги коэффициентлар тузатиш коэффициентларидан паст бўлиши мумкин.** Бу иш ҳақи миқдорлари, шунингдек у олинган даврларга боғлиқ.

Мазкур вазиятда аввал пенсия иш ҳақиға тузатиш коэффициентларини қўллаган ҳолда тайинланган. Қайта ҳисоблашни сўраб мурожаат қилгандан кейин иш ҳақи миқдорлари **якка тартибдаги** коэффициентлар бўйича мувофиқлаштирилган. Мурожаатдан кўринганидек, бу иш ҳақи миқдори камайишига олиб келган.

Тегишинча, Пенсия жамғармаси бўлими пенсияни у қайта ҳисобланганга қадар бўлган миқдорда тўлашни давом эттириш ҳақида қарор қабул қилди.

## Расмий жавоб

# Чиқариб ташлаш учун асос йўқ

**?** Пенсияни расмийлаштиришда фермер ҳўжалигида ишлаган йилларини (2002–2016) стажга қўшмадилар. Фермер ҳўжалиги солиқ органлари олдида қарздор бўлганлиги сабабли ушбу даврлар ҳисобга олинмади. Пенсия жамғармаси ходимлари ҳақлими, zero ходимлар фермер ҳўжалиги раҳбариятининг ҳафсаласизлигидан азият чекмасликлари керак. Бу вақт иш стажига кирмай қолаверадими?

З.Исоқова.

Фарғона вилояти.

– Фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шакллари қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сўғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади («Фўқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми).

Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари ходимга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қолинади (Солиқ кодексининг 306-моддаси).

Ўз навбатида ушбу маълумотлар иш берувчининг бухгалтерия дафтарларида қайд этилади. Пенсия жамғармаси ходимлари бухгалтерия дафтарларида қайд этилган маълумотлар асосида ходим сўғурта бадалларини тўлаганлиги далилини аниқлайдилар. 2005 йилдан кейин эса улар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига келиб тушган бадаллар ҳақидаги маълумотлар билан солиштирилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган сўғурта бадаллари ҳақидаги маълумотлар солиқ органларида шаклланган маълумотлар асосида аниқланади (ВМнинг 14.04.2015 йилдаги 90-сон қарори).

Баён этилганлардан келиб чиқилса, иш берувчида ягона ижтимоий тўлов ва сўғурта бадаллари бўйича қарз мавжудлиги ходимнинг стажидан меҳнат фаолияти даврларини **чиқариб ташлаш учун асос бўла олмайди.**



Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

## Вақт кўрсатади

**?** Пенсия миқдори 2011–2015 йиллар давридаги иш ҳақи асосида ҳисобланган. Бунда 2017 йил март ойида (белгиланган пенсия ёшига етганда) пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилиш кўзланмоқда.

Президентнинг Фармони билан 1.10.2016 йилдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорлари ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилган.

2017 йил март ойида пенсия тайинлаётганда пенсияларни ошириш ҳақидаги ушбу Фармон ва 2011–2015 йиллардаги давр учун унинг ҳисобланган миқдорида нисбатан 1,15 баравар индексациялаш кўлланидими?

Темур З.

Тошкент ш.

– 2016 йил 1 октябрда тайинланган пенсия ва нафақалар қайта ҳисобланади (22.08.2016 йилдаги ПФ-4822-сон). Ушбу санадан кейин тайинланган пенсиялар оширилмайди. Сабаби уларни ҳисоблаб чиқариш ва келгусида тўлаш чоғида Фармонда белгиланган энг кам кўрсаткичларнинг қатъий белгиланган миқдорлари кўлланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинладиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қайта ҳисобланади (Қонуннинг 31-моддаси 2-қисми).

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини иш ҳақининг

якка тартибдаги коэффициентларини кўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 2-шлова) тасдиқланган.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентлари пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида бўлиш йўли билан, ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар меҳнат фаолиятининг охириги 10 йили мобайнидаги исталган кетма-кет 60 ойдан (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра) ҳар бир ойи учун аниқланади.

Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг янги миқдорини аниқлаш учун ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги коэффи-

циентини пенсия тайинланган ойдан олдинги 12 ой учун ўртача ойлик энг кам иш ҳақи миқдорида (мазкур вазиятда 2016 йил мартдан 2017 йил февралгача) кўпайтириш зарур.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун (пенсия тайинланган санадаги) ЭКИХнинг 8 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади (Қонуннинг 31-моддаси 6-қисми).

Ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори уни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%ини, лекин расмий белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100%ини ташкил этади (Қонуннинг 26-моддаси «а» банди). Мазкур ҳолда ёшга доир энг кам пенсиянинг миқдори ҳам у тайинланган санадаги ҳолатга кўра аниқланади.

## Айирамиз – қўшамиз

**?** Битта ташкилотда 15 йиллик узлуксиз иш стажига эгаман. Шу вақт ичида икки марта умумий давомийлиги 2,5 йиллик (1 йилу 4 ой ва 1 йилу 2 ой), яъни йўл қўйиладиган 3 йилдан кам болани парваришлаш таътилида бўлганман.

2 та декрет таътили ва 2 та болани парваришлаш таътилининг ҳисобга олган ҳолда ёшга доир пенсияни тайинлаш учун стаж қандай ҳисобланади?

2 та ҳомиладорлик ва туғиш таътили стаждан чиқариб ташланадими? Архивда касаллик варақалари бўлмаганда улар қандай ҳисобланади? 2 ой туққунга қадар ва 2 ой туққандан кейин – яъни 2 та бола учун 8 ой айриладими? Пенсия тайинлаш учун қайси стаж олинади – 15 йилми ёки 14 йилу 4 ойми?

Наталья Н.

Тошкент ш.

– Аёлларга иккита таътил: ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда боласи 2 ва 3 ёшга тўлгунча қадар болани парваришлаш учун таътил берилади (МКнинг 233 ва 234-моддалари).

Бироқ бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда

қўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «ж» банди).

Тегишинча, ҳомиладорлик ва туғиш таътили (туққунга қадар 70 календарь кун ва туққандан кейин 56 календарь кун) иш стажини ҳисоблашда инобатга олинмайди, са-

баби ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақага фуқароларнинг сугурта бадаллари солинмайди.

Маълумки, фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ҳодим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у сугурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а» банди).

Иш даврида бошланган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври давомийлиги ушбу иш жойи бўйича бериладиган маълумотномалар бўйича белгиланади. Бунда кўрсатиб ўтилган (тиббийот муассасалари томонидан берилган

меҳнатга лаёқатсизлик варақалари билан тасдиқланган) давр иш стажига фақат Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда киритилади (252-сон Низомнинг 64-банди).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек 252-сон Низом 35-банди «ж» кичик бандига мувофиқ, **сизнинг иш стажингиз тахминан: 15 йил (меҳнат дафтарчасига кўра иш стаж) — 8 ой (2 та ҳомиладорлик ва туғиш таътили, ҳар бири қарийб 4 ой давом этган) — 2,5 йил (2 та болани парваришlash таътилида бўлган вақт) + 2,5 йил (2 та болани парваришlash таътилида бўлган вақт) = 14 йилу 4 ойни ташкил этади.**

## Чет элдаги стаж



Агар ҳодим доимий яшаш учун Қозоғистонга кўчиб кетаётган бўлса, пенсияни ҳисоблашда Ўзбекистондаги иш стажига ҳисобга олинадими?

И. Қораев.

— Пенсия таъминоти соҳасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимга (Москва, 13.03.1992 йил) аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия, шу жумладан кўп йил ишлаганлик учун имтиёзли асосларда пенсия олиш ҳуқуқини белгилаш учун ушбу давлатларнинг истал-

гани ҳудудида, шунингдек собиқ Иттифок ҳудудида Битим кучга киргунга қадар вақтдаги (Битимнинг 6-моддаси), яъни 1992 йил 13 мартгача эга бўлган иш стажига ҳисобга олинади.

Битимга аъзо давлатлар фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларининг пенсия таъминоти улар ҳудудида истиқомат қилаётган давлат қонун-

чилигига кўра амалга оширилади (Битимнинг 1-моддаси).

Яъни 1992 йил 13 мартдан кейинги меҳнат фаолияти давлари Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон фуқароларининг чет элда ишлаган давлари бюджетдан ташқари меҳнат сугурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда стажга қўшилади (Қонуннинг 40-моддаси).

**МИСОЛ.** Чет эл фуқаросининг умумий иш стажига 40 йилни ташкил этади, шундан 21 йили Ўзбекистондаги ишга, 19 йили эса хорижий давлатдаги ишга тўғри келади. Ушбу ҳолатда чет эл фуқаросининг хорижий давлатдаги иш стажига пенсияни ҳисоблаш учун 7 йил (21 / 3) доирасида қабул қилинади ва умумий иш стажига 28 йилни (21 + 7) ташкил этади (252-сон Низомнинг 49-банди 2-хатбоши).

Зафаржон Ҳўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи.

### Маълумот учун!

Ойма-ой бўлган ҳолда иш ҳақи тўғрисидаги **МАЪЛУМОТНОМА** иш берувчи томонидан бу ҳақда ариза олингандан кейин 3 кун ичида **БЕПУЛ** БЕРИЛАДИ.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

## Ҳимоя қилиш ҳуқуқи

**Юридик шахс – воситачи кредит олиш мақсадида ўз муассиси – МЧЖ мол-мулкни (95% миқдорида) гаров сифатида банкка берди. Тахминимча, гаров сифатида берилган мол-мулк қиймати пасайтирилган нархда баҳоланган.**

**Кейинчалик МЧЖнинг мансабдор шахслари ва улар ташкил этган юридик шахслар товарсиз операцияларни амалга оширганлик ва ўта йирик миқдорда давлатга зарар етказганлик билан боғлиқ ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун узоқ муддатга қамоққа олиш жазосига тортилди.**

**Банк кредитни сўндириш учун гаров сифатида олинган мол-мулкни аукцион орқали сотди. Мендан ташқари МЧЖнинг яна бир нечта иштирокчиси умумий йиғилишда қатнашмаганлиги ва МЧЖнинг 95% мол-мулкни гаров сифатида беришга розилик бермаганлигини аниқ биламан.**

**МЧЖнинг умумий йиғилишида қатнашмаган иштирокчилар ёки иштирокчи МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 41-моддасига асосан МЧЖ мол-мулкни гаровга бериш ва кейинчалик бошқа харидорларга сотиш бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлими?**

Н.Наимов.

– Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузadиган қарори овоз беришда иштирок этмаган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан 2 ой ичида берилиши мумкин («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси 1-қисми).

Даъво аризасини асослаш учун қуйидагилар тавсия этилади:

1) гаровга берилган мол-мулк қиймати пасайтирилганлиги далилларини топиш. Мол-мулкнинг реал ва пасайтирилган қиймати ҳақидаги баҳолаш ташкилотининг хулосасини, идеал вариантда – суд экспертизаси хулосасини олиш мумкин;

2) мазкур предмет юзасидан чиқарилган ҳукми ва жиноят ишининг бошқа материалларини ўрганиш. Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир (ФКНинг 116-моддаси).

Агар жиноят иши материаллари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кредит олиш (ва хусусан, гаровга бериш) хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини кўрсалар (бу мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш – ЖКнинг 205-моддаси, мансаб сохтакорлиги – ЖКнинг 209-моддаси ва ҳ.к. бўлиши мумкин), бу амалда гаровнинг ҳақиқий бўлмаган битим деб тан олинишини аниқлатади. Ушбу материалларнинг нусхаларини ҳам даъво асосланмасига илова қилиш зарур.

Эркин Ҳосилов,  
«Norma Online» эксперти.

## Лицензиясиз лизинг

**Лизинг компаниясини ташкил этиш учун лицензия керакми? Агар керак бўлса, устав капитали учун энг кам миқдор белгиланганми? Қаерга ва қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилиш лозим?**

О.Каримов.

– Лизинг фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш талаб этилмайди (Рўйхат, ОМнинг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорига 1-илова).

Қонун ҳужжатларида лизинг компанияларининг устав фонди миқдорида доир алоҳида талаблар белгиланмаган. Бироқ корхонагизнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаб олишингиз зарур. Масалан, жамият устав фондининг энг кам миқдори уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра ЭКИХнинг 40 бараваридан кам бўлмаслиги лозим («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси). Акциядорлик жамияти учун эса – у давлат рўйхатидан ўтказилган саноат УЭР МБнинг курси бўйича 400 000 АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил

этмаслиги керак («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси).

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги «ягона дарча» марказига қуйидаги ҳужжатларни (шахсан келиб, почта алоқаси воситасида ёки Интернет тармоғи орқали) тақдим этиш лозим:

- белгиланган шаклдаги ариза (ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 1-илова);
- давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг 2 асл нусхаси: устав ва таъсис шартномаси (агар муассис битта бўлса, фақат устав тақдим этилади);
- давлат божи тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;
- фирма номларининг захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль, шунингдек 2 нусхада муҳр ва штамп эскизлари (Низомнинг 11-банди).

Сабоҳат Султонова,  
«Norma Online» эксперти.



Шелкографияга лицензия бўлиши керакми?

В.Сибецкий.

## Фаолиятингизни рўйхатдан ўтказинг

– Шелкография билан шуғулланиш учун сизга лицензия эмас, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтказилганлигингиз ҳақида гувоҳнома зарур.

Шелкография – матбаа фаолиятининг йўналишларидан бири. Матбаа фаолияти билан юридик шахслар ҳам, юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам шуғулланишга ҳақлилар.

Матбаа корхоналари ва якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олингандан сўнг ўз фаолиятини бошлайдилар (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 27.12.2002 йилдаги 454-сон қарорига 1-илова).

Шелкография билан шуғулланиш учун ушбу Агентликда рўйхатдан ўтишингиз ва рўйхатга олинганлигингиз ҳақида гувоҳнома олишингиз лозим. Гувоҳнома 5 йилга берилади. Унда матбаа фаолиятининг аниқ тури, сизнинг ҳолатда – шелкография кўрсатилади.

Матбаа корхонасини давлат рўйхатдан ўтказганлик учун 10 ЭКИХ миқдорида давлат божи ундирилади\*.

Жўрабек Муротов,  
«Norma Online» эксперти.

\*Батафсил ахборот билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг [api.uz](http://api.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

## Ўзимдан боғ қолдирмоқчиман...

**Мен истиқомат қилаётган маҳалла ёнида ер бор – ярми ботқоқлик, ярмида эса маҳаллий аҳоли шунчаки ўз чорвасини боқади. Бир вақтлар бу ерлар кўм-кўк боғ бўлган. Бир танишимдан эшитиб қолдим: кўкалмзорлаштириш учун узоқ муддатга ер участкасини олса бўларкан. Меваги боғ яратиб ниятим бўр.**

**Ушбу таклиф билан кимга мурожаат қилсам бўлади ва бундай мурожаатим қанчалик асосли?**

А.Мусаев.

– Бундай таклиф билан маҳаллий давлат ҳокимияти органига мурожаат қилишингиз мумкин.

Агар сиз айтётган ер участкаси минтақадаги аҳоли пунктида жойлашган бўлса, тегишли ариза билан туман

ҳокимига, Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса – пойтахт ҳокимига мурожаат қиласиз (Ер кодексининг 5–6-моддалари). Чунки ер муносабатлари билан боғлиқ масаланинг кўриб чиқиши маҳаллий давлат ҳокимияти органла-

рининг ваколатига киради (Ер кодекси 23-моддасининг 1-қисми); бу хусусдаги уларнинг қарорлари халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади («Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун 10-моддасининг 1-қисми).

Шуни назарда тутиш кераки, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ер участкалари шу шаҳар (вилоят) ҳокимияти томонидан фақатгина тегишли Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан берилади (ВМнинг 22.08.2008 йилдаги 189-сон, 31.12.2008 йилдаги 292-сон, 20.01.2009 йилдаги 16-сон ва 18.02.2009 йилдаги 45-сон қарорлари).

Мурожаатингизнинг қанчалик асослигини айнан юқоридаги давлат органлари аниқлайди.

Камол Музаффаров,  
«Norma Online» етакчи эксперти.

Эълонлар

## ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуюначлари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уқли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Хафтанинг 5 куни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тўшлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

### ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

## Қонунчиликдаги янгиликлар

## Бозорлар олдидаги автотўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқ икки баравар камайтирилди

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларига доир Президентнинг қарори (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон) билан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари қайта кўриб чиқилди («СБХ» ва «Норма маслаҳатчи»нинг 1, 2 ва 3-сонларида чоп этилган).

2017 йил 1 январдан бошлаб автотransпорт воситаларини вақтинча сақлаганлик учун юридик шахслардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкаси автотўхташ жойи кимнинг балансида эканлигига қараб қўлланади.

Автотransпорт воситаларини вақтинча сақлаганлик учун юридик шахслардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2016 йил даражасида сақланган ва 1 кв.м учун ойига: Тошкент шаҳри учун – 0,1 ЭКИХ;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидagi шаҳарлар учун – 0,06 ЭКИХ;

бошқа аҳоли пунктлари учун – 0,04 ЭКИХни ташкил этади.

Бунда бозорлар балансидаги автотўхташ жойларидан 1 кв.м учун ойига қатъий белгиланган солиқ белгиланганидан икки баравар кам ставкада ундирилади:

Тошкент шаҳри учун – 0,05 ЭКИХ;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидagi шаҳарлар учун – 0,03 ЭКИХ;

бошқа аҳоли пунктлари учун – 0,02 ЭКИХ.

Музаффар Мирзаганиев,  
«Norma Online» эксперти.

## Транспорт воситасини олиб қочганлик учун – камида 5 йил

26.12.2016 йилдаги ЎРҚ-416-сон Қонун («Норма маслаҳатчи»нинг 1-сонидa чоп этилган) билан Жиноят кодексига транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жавобгарлиқни кучайтирувчи тузатишлар киритилди. Қонун 27.12.2016 йилдан кучга кирди.

Ўзгартишлар автотransпорт воситасини олиб қочганлик учун санкцияларга тааллуқли (ЖКнинг 267-моддаси). Энди ушбу жиноятни содир этганлик 5 йилдан 10 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Илгари 3 йилдан 5 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд озодлиқдан маҳрум қилиш назарда тутилган эди.

Уша ҳаракат такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб; транспорт воситасини талон-торож қилиш мақ-

садида ўғирлик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса, 10 йилдан 15 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракат ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан; транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, 15 йилдан 20 йилгача (илгари – 5 йилдан 15 йилгача) озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Олег Заманов,  
«Norma Online» эксперти.

## Маълумот учун

Жамоа ва якка тартибдаги ГАРАЖЛАР учун ажратилган ер участкалари УЧУН жисмоний шахслардан СОЛИҚ якка тартибдаги уй-жой қурилиши ерлари учун тасдиқланган ставкаларда УНДИРИЛАДИ.

## Расмий жавоб

Мен бошловчи ҳайдовчиман. Кўпинча светофорнинг милтиллолчи яшил чироғига тўқнаш келиб қоламан. Бу ишорада ҳаракатланиш мумкинми? Қандай ҳолларда светофорнинг сариқ ишорасида ўтиш мумкин? «Йўналтиргич» ишораси чорраҳада ҳаракатланиш чоғида имтиёз берадими?

А.Стасина.  
Тошкент ш.

## НХХ лойиҳалари

## Қайси юк машиналари доволон орқали ҳаракатлана олмайди

ҚХТБТ порталида лойиҳа билан Вазирлар Маҳкамасининг «Қамчиқ» доволон орқали автомобиль транспортида юк ташишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (10.07.2012 йилдаги 204-сон) тузатишлар киритиш таклиф қилинди.

«Қамчиқ» доволон орқали қуйидаги юк машиналарида юк ташишни тақиқлаш таклиф этилмоқда:

2017 йил 1 январдан – 25 йил ва ундан ортиқ фойдаланишда бўлган юк автомобиллари ва тиркамали автомобилларда;

2017 йил 1 июлдан – битта етакчи ўқ огирлигини – 11,5 т, тиркамалар, ярим тиркамалар, юк автомобиллари, шатакка олувчи автомобилларнинг икки ўқига суммар огирлиқни – 20 т ва, тегишинча, ички қурилма ўқларга огирлиқни – 24 т дан оширадиган юк автотransпорт воситаларида.

Автомобиль ўқига тушадиган огирлиқнинг белгиланган параметрлари қуйидаги юк автомобиль воситаларига татбиқ этилмайди:

ваколатли органларнинг махсус рухсатномаси билан ажратиб бўлмайдиган катта ҳажмли ва огир вазнли юкларни ташиётган юк автомобиллари;

## Маълумот учун

БАРЧА автотransпорт ҳайдовчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтишлари ШАРТ. Тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ҲАЙДОВЧИЛАР бир йилда 1 марта тиббий кўрикдан ўтказилади.

## Диққат, светофор!

– Йўл ҳаракати қоидаларининг (ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган) 31-бандига мувофиқ, яшил ишора ҳаракатланишга рухсат беради; милтиллолчи яшил ишора ҳам ҳаракатланишга рухсат беради ва унинг таъсир вақти тугаётганлиги ҳамда кўп ўтмай тақиқловчи ишора ёниши ҳақида ахборот беради.

Сариқ ишора ҳаракатни тақиқлайди. Қоидаларнинг 42-бандида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, ва ишоралар алмашуви ҳақида огоҳлантиради.

Сариқ ишора ёнганда, ЙХҚнинг 41-бандида назарда тутилган жойларда (чорраҳада, темир йўл кесишмаси олдида, бошқа жойларда – светофор ёки тартибга солинувчининг олдида, ҳаракатланишга рухсат берилган транспорт воситалари ва пиёдаларга ҳалақат бермаган ҳолда), кескин тормоз бермасдан тўхташга улгура олмайдиган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига ҳаракатни давом эттиришга рухсат этилади.

Бундан ташқари, светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг йўналтиргичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.

ЎЗР ИИБ ЙХҚББ матбуот хизмати.

Иқтисодий – ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

ХУШЎҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

Бош муҳаррир  
Фарход Собирович  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир  
Зулфия  
Саидмуратовна  
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 200-00-90  
Обуна бўлими тел. 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида торилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186, Қўғоқ бичими – А3, Ҳажми – 2 босма табоқ, Баҳоси кўпчилигдан нарҳда.  
Буюртма 798. Адади 1 150. Газета 2017 йил 30 январь соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
бўйича 200-00-30;  
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига  
муносабат қилиш мумкин.